

тузилиши, мазмунини идрок этишдан бошланади. Шеърый матн қаторларининг ўзаро симметрик жойлашуви, улардаги бўғинлар талаффузи, турокларнинг бир-бирига мос келиши, қаторлар охиридаги сўзларнинг ўзаро қофиядош бўлиши унинг жозибдорлигини идрок этишнинг асосий омиллари саналади. Яна бир омил – шеърый матннинг оҳанг билан симметрия ҳосил қила олиши, синхром равишда таъкидланишидир. Овоз ёки товуш бўғинларининг ёрқин ифодавийлиги, оҳангнинг турли интервалларда ҳаракатланиши орқали шеър мазмунининг ифодаланиши ҳам муҳим омил сифатида эътироф этилади.

Муסיкий асарларни яратишда ички омиллар билан бирга ташқи деталларнинг таъсири ҳам инобатга олинади. Масалан, инсон кайфияти, табиат манзаралари ёки ижтимоий воқелик уларга хос бўлган хусусиятларнинг оҳанглар ёрдамида ифодаланиши асосида ёритиб берилади. Бунда оҳанг ритми, суръати, тониға алоҳида эътибор қаратилади. Образлар учун характерли хусусиятларнинг белгиланиши муҳим аҳамиятга эға.

Ўзаллики идрок этишнинг ижтимоий мезонлари ҳам мавжуддир. Бу ҳолат муסיкий асарларда муайян даврга хос ҳолатларнинг ифодаланишидан далолат беради. Ҳар бир даврда устивор ўрин тутувчи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий зарурат улардан тўғри хулосалар чиқариб олишни тақозо этади. Мазмунида инсоний муносабатлар, халқнинг турмуш тарзи, инсон ва табиат бирлиги ифодаланган асарлар талабалар томонидан улар моҳиятининг англанишиға ёрдам бериш билан бирга уларни мустақил ҳаётға тайёрлайди.

Мумтоз ўзбек муסיқаси воситасида талабаларда бадий дидни шакллантиришда ижтимоий омилларнинг ҳам роли бекиёс. Чунончи: оилавий анъналар; оммавий байрамлар; оммавий ахборот воситалари; таниқли қўшиқчи ва созандаларнинг иш тажрибалари ва ижро услублари ташқи ижтимоий омил саналса, магнит ёзувлар, миллий чоғу асбоблари, шеърый матнлар, ўқув адабиётлари-ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, дарс ишланмалари ва бошқалар ички ижтимоий омиллар сифатида муҳим аҳамиятга эға.

Талабалар бадий дидини шакллантириш жараёнида ўқитувчи асосий ўрин тутади. Мутахассис-ўқитувчиларнинг бўлажак муסיқа ўқитувчилари бадий дидини шакллантиришдаги асосий вазифалари мавжуд. Бунда ўқувчи талабаларнинг мумтоз ўзбек муסיқасиға бўлган муносабатларини ўрганиш, уларнинг мумтоз куй ва қўшиқларни ўрганишға бўлган эҳтиёж ва қизиқишлари даражасини объектив баҳолаш, талабаларнинг ёш хусусиятлари, шахсий имконият-

лари ва алоҳида иқтидорлари тўғрисидаги маълумотларға эға бўлишдир. Шунингдек, талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, мумтоз муסיқа меросиға бўлган муносабатлари, овоз имкониятлари, иқтидорлари, билим даражалари ҳамда ижро қўникмалариға мувофиқ улар томонидан ўрганилиши учун мумтоз куй-қўшиқлар мажмуини шакллантириш, уларни мумтоз асарлардан намуналар ижро этиш қўникмасини шакллантиришға ёрдам берувчи самарали методикаға эға бўлиш ва машғулоти педагогик, психологик ҳамда методик талабаларға мувофиқ тўғри ташкил этиш мақсадға мувофиқ.

Машғулоти жараёнида кўргазмали методик воситалардан мақсадға мувофиқ фойдаланиш, талабалар томонидан ўзлаштирилган мумтоз муסיқа асарларининг назарий ва ижро асослари борасидаги билимларни, шунингдек, уларда шаклланган бадий дид даражасини объектив баҳолаш уларда мумтоз асарларни севиш сингари тарбиявий мақсадларда амалға ошади.

Талабалар юксак бадий савияға эға мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услублариға оид маълумотларни ўзлаштиришни истайдилар. Бундай истакнинг юзаға келиши таълимни муваффақиятли ташкил этилишининг бошланғич омили ҳисобланади. Мумтоз асарларни ижро этиш учун талабаларнинг муайян қўникма ва малакаларға эға бўлишлари талаб этилади. Булар:

-Асарни катта қизиқиш ва ҳис-ҳаяжон билан тинглаш;

-муסיқани куйлаш ёки чалишға нисбатан эҳтиёжға эға бўлиш;

-асардаги нозик қочирим, безак ва нолаларни ижро эта олиш устида иш олиб бориш;

-сўздаги унли товушларни, бўғинлар ва сўзлар талаффузи устида ишлаш;

-куй ва қўшиқларни уларнинг мазмуниға мувофиқ ижро этишға эришиш, ижро чоғида динамик ранг-барангликни таъминлаш;

-юксак маҳорат билан чалиш ва куйлаш қўникмаларини ўзлаштириш ва ҳоказо.

Бундан ташқари ўқитувчи талабаларға ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўзига мос репертуар танлай олиш ҳамда аудитория хусусиятидан келиб чиқиб куй ва қўшиқларни ижро этиш сирларини ҳам ўргатиб бориши лозим. Маҳорат билан шакллантирилган репертуар, муסיкий асарларни овоз диапозониға мос келишиға эришиш қўникмалари ҳам талабаларда бевосита ўқитувчи ёрдамида шакллантирилади.

Адабиётлар

1. Ботиров Й. Бўлажак муסיқа ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик самарадорлигини оширишда Ю.Ражабий муסיкий меросидан фойдаланиш. –Т.: //“ Педагогик таълим”. 2003. № 1, 43-6.

Мақолада бўлажак муסיқа ўқитувчилари юксак бадий савияға эға мумтоз асарларни ўрганишда уларнинг яратилиш тарихи ва ижро услублариға оид маълумотларни ўзлаштириш таълимни муваффақиятли ташкил этишнинг бошланғич омили эканлиги, мумтоз асарларни ижро этиш учун уларда муайян қўникма ва малакаларға эға бўлишлари зарурлиги ҳақида сўз боради.

В статье будущие учителя музыки узнают, как создавать классические произведения высокого искусства, а также научатся создавать и воспроизводить их, что является основным фактором успешной организации обучения, описываются также способы их использования для исполнения классических произведений, требования к квалификации и навыкам.

The article is of a great importance for future teachers in music, because it contains valuable information how to create classical works of a high artistic level and perform them. It is one of the main factors of successful teaching, the author also describes the ways of performing classical works, requirements to the qualification and skill.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

А.И.Саидов - педагогика фанлари номзоди, доцент

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: ёшлар, соғлом авлод, соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш психологияси, билим ва қўникма.

Ключевые слова: молодость, здоровое поколение, здоровый образ жизни, психология здорового образа жизни, знания и навыки.

Key words: youth, healthy generation, healthy lifestyle, the psychology of healthy lifestyle, knowledge and skills.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб ҳукуматимиз кучли ижтимоий сиёсатни

амалға ошириш тўғрисида ғамхўрлик қила бошлади. Бу ғамхўрлик албатта, оилада соғлом турмуш тарзини

шакллантиришда фарзандларни тарбиялашга эътибор билан бевосита боғлиқдир.

Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш - Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мақсадини асосини ташкил қилади. Мустақиллик йилларида баркамол авлод ғояси асосида мазкур давлат сиёсатиға молик муаммонинг ижтимоий-хуқуқий негизи яратилди.

Бугунги кунда соғлом турмуш тарзининг негизи ҳисобланган психик саломатлик - қисқа муддат давомида йирик тадқиқотлар соҳасига айланиб улгургани айни ҳақиқатдир. Мазкур ҳолатни куйидаги рақамлар исботлаб турганини қайд этишимиз лозим. Агар 1975 йили АҚШда психик саломатликни муҳофазасига оид 200 дастур татбиқ этилган бўлса, 1990 йилга келиб бундай дастурлар 5000 га ортган. Ҳозирги кунда улар салмоқли иқтисодий самарадорликни кўрсатмоқда[5]. Айни пайтда АҚШдаги психологларнинг ҳар ўн нафаридан биттаси психик саломатликнинг у ёки бу муаммоси билан шуғулланмоқда, шунингдек, инглиз забон психологик журналларда чоп этилаётган ҳар учта мақоладан биттаси ушбу соҳанинг турли жиҳатлари билан боғлиқлигини эътироф этиш жоиз [6].

Соғлом турмуш тарзи психологияси иборасининг заминида инсоннинг психофизиологик саломатлиги, қолаверса ёшларнинг келажаги ётар экан, бу масала жамият тараққиётининг юксалишида асосий ўринга эга бўлиши табиийдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳатлар жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт раънақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратилган [2.Б.155].

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш самаралар гаровидир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган йўналишлар куйидагилардан иборат:

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган услубий таъминотни мустаҳкамлаш;
- оилада ёшлар ва ота-оналарнинг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- оилаларда соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш;
- ҳар бир оила аъзоларининг онгида соғлом турмуш тарзи тушунчаси ва муносабатини шакллантириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш;
- баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирларни мазмунан такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш механизмини яратиш;
- соғлом авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

Ёшлар ўртасидаги соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш – бу фаол меҳнат, кучли жисмоний ва руҳий ҳолат, кўтарики кайфият, ўта хавфли ва зарарли таъсир кўрсатувчи омилларни енга оладиган, етуқликка интилувчан шахснинг шаклланиш жараёнидир[4.Б.217]. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-психологик ва маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ҳамда таъсирчан услубда амалга ошириш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, оила маънавияти, зарарли иллатларнинг

соғлом бола туғилишига салбий таъсири ҳақидаги тиббий билимларини оширишга қаратилган ўқув-машғулотлари, давра суҳбатлари кенг жорий этилмоқда. Бу ёшларимиз онгида соғлом турмуш тарзи таъминотларини сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатлар аввало ёшларни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга йўналтирилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда «оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлиги концепцияси»нинг тadbиқ этилиши баркамол авлод тарбияси ислоҳатларининг янгича ёндашувларга асосланган модели бўлиб хизмат қилмоқда. Бу масаланинг бугунги кундаги аҳамияти ва долзарблиги шундаки, ёшларнинг хусусан, талабалар ижтимоий-сиёсий фаоллиги, баркамол авлод бўлиб етишиши, ҳар томонлама етук кадрлар бўлишида, уларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилиб вояга етишида оила ва маҳалла институтлари ҳамкорлигининг янги имкониятларини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкинки, оила фуқаролик жамиятининг таянч нуқтасидир. Чунки бу муқаддас даргоҳда нафақат инсон дунёга келади, балки у маънан ва ақлан тарбия топади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса жамият ҳам шунчалик барқарор бўлади ва тез ривожланади. Инсон ўзини ўраб турган дунё ҳақидаги билимларини маънавият ва ахлоқ ҳақидаги илк тушунчаларни яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги бошланғич тасаввурларни оиладан олади.

Ушбу вазибаларни амалга оширишда асосан профилактик текшириш, узоқ муддатли касалликларни аниқлаш ва даволаш, соғлом турмуш тарзини амалга ошириш, шу билан бирга зарарли кўникмалар бўлган чекиш, ичиш ва гиёҳвандлик, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ОИТСнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, оила куришдан мақсад нафақат икки ёшнинг бахтли ва бирга ҳаёт кечириши, балки соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва мустаҳкам оила барпо этишдир. Ваҳоланки, соғлом муҳитни ташкил этишда қўллаб таркиб ва бирикмалар, шу билан бирга, икки ёшнинг саломатлиги муҳим аҳамият касб этади.

Аввало, оила мустаҳкам бўлиши учун тиббиётда қўлланиладиган муҳим жиҳатлардан асосийси: никоҳланувчиларнинг қонини тубдан текшириш, биохимик ҳамда микробларни аниқлаш, ОИТС ва бошқа хатарли касалликлар бўйича ташхис қўйиш ва текширувлар ўтказиш. Шу билан бирга, ёшларнинг ички аъзоларини ултратовуш тизими орқали текшириш, шунингдек, наркология, психология, урология ва гинекология бўйича мутахассислар ва албатта оила шифокорининг тавсияномалари тақлиф этилади.

Оилада болани соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тўғри тарбиялашнинг асосий шартларидан бири-тарбиядаги бирликдир. Бундай улкан маъсулиятни, шарафли ишни оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади. Оила тарбия вазибаласининг бу улкан миқёси унинг мафқуравий ва психологик таъсир кўрсатишининг чуқур ўзига ҳослиги билан уйғунлашиб кетади. Бу эса уни олий даражада таъсирчан қилибгина қолмай, шу билан бирга шахсни шакллантириш жараёнининг зарур бугинига ҳам айлантиради.

Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлашти-радиган ҳамда шу руҳда тарбиялайдиган энг катта саховатли гўша ва бекиёс Ватандир. Мустақиллик шарофати туфайли

қўшничилик ва маҳаллачилик анъаналари янги руҳда шаклланиб, оилавий маиший муносабатларни муштақамловчи ҳада барча тўй-ҳашамларда, маъракаларда ҳамдард, камарбаста бўлиб, ўзаро ёрдам бериб қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнамоқда. Маҳаллачилик катта-кичикни ҳурмат қилиш, ёши улугларни эъзозлаш, оилавий муносабатларда аҳиликни сақлаш каби фазилатларни назорат қилишда етакчи ўринда туради. Зеро, ҳар бир ўзбек фарзанди дастлабки тарбияни маҳалладан олади.

Таълим-тарбияни инсонпарварлаштиришнинг марказий масаласи ёшларда ор-номусни, ватан ва халқ олдидаги масъулиятни, юксак ахлоқ ва фуқаролик сифатларини ҳамда маънавий-руҳий фазилатларни сингдиришдан иборатдир. Шу маънода маҳалла, оилада соғлом муҳитни яратиш орқали жамият, хусусан ёшлар маънавиятини юксалтира оладиган бешик ҳисобланади. Мамлакатимизда тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришда мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади.

Ёшлар тарбияси маҳаллаларнинг жонажон ишидир. Ёш авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда маҳаллалар фаол иштирок этмоқдалар. Аҳоли турар жойларида ёшлар муаммоларига катта эътибор қаратилган. Уларни қизиқтирган мавзуларда кечалар, учрашувлар, суҳбатлар, спорт мусобақалари ва бошқа маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар тадбирлар доимий равишда уюштириб борилади.

Фуқаролик жамиятининг бош вазифаларидан бири аҳоли тинчлиги, осойишталиги экан, бунда маҳалланинг аҳамияти муҳим. Маҳалла тегишли ҳудудда деярли ҳар нарсадан бохабардир. Демак ҳар қандай кўнгилсизликнинг олдини олиш-маҳалланинг қўлидан келадиган иш ва шу маҳалла одамлари учун керак. Бугунга келиб, айнан маҳалла фаоллари куч-ғайрати билан кўпгина жиноий ҳаракатларнинг олди олинаятганини, жиноятлар сони ошмаётганлигини бемалол айтиш мумкин. Бу ўринда айниқса, маҳаллада посбонлар гуруҳи кўрсатаётган фаолият кўпроқ асқотаяпти. Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг барча кўринишларига қарши курашда аҳоли фаоллигини ошириш фақат маҳалланинг қўлидан келадиган иш эканлигини ҳам маҳалладошларимиз ўз фаолияти орқали исботлаб келишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёт тарзи, уларнинг оиладаги, жамоат ичидаги ҳуқ-атвори, мамлакатимизда юз бераётган улкан ижобий ўзгаришларга муносабати, бу ўзгаришлардаги шахсий иштироки, ҳулас жамиятдаги ўрни маҳаллалар эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган масалалардир[3:47]. Айниқса, маҳалланинг ёшларни тарбиялаш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги масъулияти янада катта. Ҳозир ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган ўнга яқин тузилма орасида ёшлар билан ишлайдиган тузилма энг фаолларидан бири бўлмоғи лозим. Аввало шу тузилмаларда миллатимизга хос бўлган ҳислатлар намоён бўлмоғини, «Бир болага етти маҳалла ота-она» қабилидаги нақлларнинг ҳаётий кўринишлари юзага чиқмоғи керак.

Кузатишларимизга қараганда, маҳаллаларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан, бизни ташвишга солаётган нарса бу ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддилари узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан

муҳокама этилади. Аммо ҳаётимиз воқеалари тафсилюти шунини кўрсатадики, ёшларимизнинг ўзи ҳали зичроқ ва мақсадга мувофиқ тарзда бирикишмаган. Тан олиш керакки, собиқ шўроларнинг ёшлар билан ишлаш усулидан воз кечганимиздан сўнг уларни шу тарбия «маҳсули» бўлган боқимандалик таъсиридан батамом халос эта олганимизча йўқ.

Ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш борасида оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги қуйидаги тамойилларга амал қилинганда самарадорлик янада юқори бўлади:

- таълим ва тарбия соҳасида ҳамкорлик жараёни иштирокчилари ҳаракатларининг иш бирлиги;
- тарбияланувчига ҳурмат ва талабнинг уйғунлиги;
- ҳамкорлик жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқлилиги ва юксак масъулияти;
- фаолият жараёнида миллат ва давлат манфаатлари устуворлиги;
- ҳамкорликнинг илмий асосланганлиги.

Шунингдек, ёшларда соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёш оилалар билан ишлаш. Ёш ота-оналарга фарзанд ва унинг тарбияси, соғлом турмуш тарзининг мазмун ва моҳияти ҳақида фалсафий, тиббий тушунчаларни бериш ва бу масалаларга тиббиёт ходимлари, психологлар, педагоглар обрўли хотин-қизлар ва ота-оналарни жалб қилиб, «Ёш оналар ва оталар ўқув муассасасилари» фаолиятини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Фарзанднинг ўқув муассасасигача бўлган давридаги жисмоний, психологик, ақлий ва маънавий ривожланишини таъминлаш борасида уларга расм қизиш, воқеаларни баён қилиш, эртақ, матал, ривоят айтиб бериш, ўзига ўзи хизмат қилиш, тозалик ва озодаликка риоя қилиш, ҳарф таниш, қўшиқ, айтиш ва рақс тушиш, турли ўйинларда онгли қатнашиш тушунчаларини сингдириш ва мустақил равишда билим олиш кўникмаларини шакллантириш юзасидан ўқув муассасасига тайёрлаш гуруҳлари, «Якшанбалик ўқув масканлар» ишини ташкил қилиш.

Кичик ёшдагилар учун мўлжалланган (6-11 ёш) ўқув муассасаларида ўқувчилар шахсининг жисмоний, маънавий ва ижтимоий-психологик шаклланишини таъминлаш, унинг илк иқтидори, қизиқиши ва ақлий имкониятларини аниқлаш, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва кун тартибига риоя қилишни ўргатиш, атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлиб, дўстлик, байналмилаллик, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантириш.

Ўсмирларнинг (11-16 ёш) қизиқишини, билимга чанқоклик ва ақл заковатини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий фаолиятга тортиш, жисмонан бақувват бўлишини таъминлаш, маиший меҳнат фаолияти орқали турли касбларга йўналтириш, ўсмирлар гуруҳлари ва жамоатчилик орасида ўз ўрнини топа олишига кўмаклашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жамият, қонун ва ота-оналари олдида жавобгарлик туйғусини шакллантириш, ижтимоий фаоллиги ва мустақил дунёқарашини юзага келтириш.

Ёшларни (16 ёш ва ундан юқори) дунё андозаларига мос билим олишлари, касб танлашлари, мустақил ҳаётга тайёргарликларини таъминлаш. Уларнинг имкониятлари даражасида таълим олишларига, танлаган касблари бўйича иш билан таъминланишларига, иқтисодий мустақил бўлишларига шарт-шароит яратиш. Ватан, Давлат ва жамият олдидаги фуқаролик бурчларини адо этишга жавобгарлик ҳиссини тўла шакллантириш, мустақил оила қуришга тайёрлаш.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологи

ясини шакллантиришда ўтказиладиган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан бирга, қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик муҳассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг кўламли бўлиши керак.

Юқоридагиларни мухтасар қилиб қайд этиш мумкин, кейинги йилларда юртимизда аҳоли орасида ва айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар изчиллик билан

олиб борилмоқда. Зеро, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш бўйича ислохатлар жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш самаралар гаровидир.

Адабиётлар

1. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. Ри-сола. –Т.: Университет, 1996. 155-б.
2. Йўлдошев Ж. Замонавий ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахсининг шаклланиши. Ном дис., –Т.: 2002, 47-б.
3. Мусурмонова О. Оилада соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари // «Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжу-ман материаллари. – Т.: 2013. 217-.
4. Bennet, G. (1987) The Wound and the Doctor: Healing Technology and Power in Modern Medicine. London: Seeker & Warburg.
5. Borril, C. S., Wall, M. A., West, G. E., et al (1996) Mental Health of the Workforce in NHS Trusts. Leeds: Institute of Work Psychology, University of Sheffield & Department of Psychology, University of Leeds.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатидаги мақсад ва долзарб вазифалар баён этилган. Шунингдек, мақолада саломатлик психологиясини таъминлаш борасидаги муаммолар ва тавсиялар ўрин олган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены цели и задачи развития психологии здорового образа жизни как приоритета государственной политики. В статье также рассматриваются вопросы психологии здравоохранения и даются рекомендации.

SUMMARY

The article outlines the goals and objectives of developing a healthy lifestyle psychology as a priority of public policy. The article also discusses health care psychology issues and recommendations are given.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АДАБИЙ ЎҚИШ ВА МАТНИИ ШАРҲЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ф.Сапаева –*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
Д.Ережепова – *магистрант*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогик маҳорат, ўзбек тили фани, мазмун, маъно, синфлардаги таълим мазмуни ва талаблари, матнни шарҳлаш, адабий ўқиш, методика фанининг олтин қоидаси

Ключевые слова: педагогические мастерство, предмет “Узбекский язык”, содержание, смысл, содержание и требования аудиторного образования, золотое правило методологии.

Key words: pedagogical skills, “the subject Uzbek language», content, meaning, content and requirements of classroom education, golden rule of methodology.

Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчи ўзи машғул олди бораётган фаннинг назарий масалалари қобигида қолиб кетмаслиги, аксинча, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ва қонун ости ҳужжатларига таяниб ўзида касбий компетенция сифатлари ва педагогик маҳорат элементларини шакллантириши, креативлик потенциалига эга бўлиши, чет тиллардан бирини талаб даражасида эгаллаб, хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда инновацион технологияларни кўр-кўрона қабул қилмасдан, миллий ўзига хосликка эга бўлган таълим технологиялари ижодкорига айланиши, аксарият ҳолларда кузатилаётганидек, компьютернинг матн таҳрирловчисидагина эмас, балки уни дастурий воситалари ҳамда мультимедия қурилмалари билан яхлит ҳолда ўз фаолиятида худди анъанавий бўр ва хаттахтадан фойдалангандек эркин қўллай олиши, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, моҳир кейсолог, тестолог сифатида ўзини намоён қила олиш каби сифатларни ўзида мужассам қилиши тақозо қилинмоқда. Мана шу ғоялар тадрижий равишда ривожлантириб борилиб, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилиниб, давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қондалари ва нормаларига риоя этилиши, ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини ҳамма эътироф этган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлаши,

лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши белгилаб берилди.

Ҳозирги кун ўқитувчиси таълим бераётган таълим муассасаларида, хусусан умумтаълим мактабларида ўзбек (давлат) тилини ДТС фан юзасидан қўйиладиган талабларни яхши билиши ва таълим жараёнини шунга йўналтириши, яъни мавзулар (хоҳ грамматик, хоҳ адабий матн) шу талаблардан келиб чиқиб лойиҳалаштириши керак бўлади.

Қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кўзда тутилган натижаларга эришиш бўйича фаолият тизими ва мазмунини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи қуйи синфлардаги таълим мазмуни ва талабларини ҳам билиши, яъни таълим узлуксизлиги ва узвийлиги билан ҳам яхши таниш бўлиши талаб этилади. Шунингдек, албатта, ўзбек тили методика фанининг олтин қоидаси саналадиган кимга? нимани? нима мақсадда? қайтарзда? бериш кераклигини яхши англаб олиши, сўнгра ушбу режалаштирилган материалларни беришда замонавий таълим технологиялари воситасида ташкил этиладиган янги ўқитиш моделидан фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун таълим жараёнида нафақат таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигидан иборат фаол усулларни, балки таълим олувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам таъминловчи интерфаол усуллардан ҳам фойдаланиши, яъни ўқув диалоги ва полилоги лойиҳасини ишлаб чиқиши керак бўлади. Яъни, тил таълимининг асосий вазифаси ўқувчилар (у ўзбекми, ё қорақалпоқ) ўзбек